

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:

№ БД-5111000-3.14

2019 йил "19" 04

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2019 йил "2" 08

Интернет сайтлари

14. <http://programmersclub.ru/alar-flash-lesson1/>
15. [http://www.filebox.ru/p/flash\\_mx/](http://www.filebox.ru/p/flash_mx/)
16. <https://www.blopanimation.com/flash-animation>
17. <http://www.ispring.ru/ispring-suite>
18. <http://www.ispring.ru/articles.html>
19. <http://www.griban.ru/blog/14-informacionnyie-tehnologii-v-processse-obucheniija.html>
20. <http://www.irbis.vegu.ru/repos/12024/HTML/sod.htm>
21. <http://coollib.net/b/116074>

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	–	Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110000	–	Педагогика
Таълим йўналишлари:	5111000	–	Касб таълими (5320400 – Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)), Касб таълими (5321000 – Озиқ-овқат технологияси (махсулот турлари бўйича))

Тошкент – 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил "2" 05 даги 399 сонли буйруғининг 3-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2019 йил "19" 04 даги 2-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент кимё-технология институтида ишлаб чиқилди.

#### Тузувчилар:

Р.А. Хабибуллаев – ТКТИ, "Касб таълими" кафедраси доценти, т.ф.н.  
Ш.Т. Канглиев – ТКТИ, "Касб таълими" кафедраси доценти, к.ф.н.  
Н.Н. Хаджаева – ТКТИ, "Касб таълими" кафедраси ассистенти

#### Тақризчилар:

А. Мавлянов – ОЎМКХТРМ бўлим бошлиғи, ф-м.ф.н.  
А. Норқобилов – "Автоматлаштириш, информатика ва бошқарув" кафедраси муdiri, PhD

Фан дастури Тошкент кимё-технология институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тасвია қилинган (2019 йил "26 03" даги "3" - сонли баённома).

#### I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2909-сонли қарориди Олий таълим тизimini тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш борасида қатор вазифалар белгилаб қўйилган.

Жумладан, педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, таълимга ахборот-коммуникация технологияларини янада кўпроқ жорий этиш, бу борада ўқув жараёнига илгор халқаро тажрибаларни кенг жорий этиш шу куннинг долзарб вазифалари этиб белгиланган.

Бўлғуси касбий таълим педагоглари келгусида юқори савияда дарс беришлари, педагогик изланиш олиб боришлари, ўқитишнинг компьютер технологияларига асосланган самарали усулларини қўллашлари учун масофавий таълим методларини, педагогик дастурий воситаларни яратиш дастурларини, жаҳондаги таълимни ахборотлаштириш тенденцияларини яхши билишлари зарур. Шу мақсадда ўқув режасининг умумқасбий фанлар блокига "Электрон таълим технологиялари" фани киритилган бўлиб, бу фан талабаларнинг келгусидаги касбий фаолиятида зарур бўладиган билим ва кўникмаларни шакллантиради.

#### II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

"Электрон таълим технологиялари" фанининг мақсади талабаларни таълимдаги ахборот технологияларининг қўлланилиши билан таништириш ва электрон ахборот материалларини ишлаб чиқишни ўргатишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун мазкур фанда масофавий таълим, оммавий онлайн очик курслар, медиатаълим ва медиаконтентлик, мултимедиа воситалари, Moodle LMS, MS Office, iSpring, Camtasia Studio, Flash MX дастурлари ва симуляторларни ўргатиш вазифа килиб белгиланган.

Ушбу фанини ўзлаштирган талаба:

- Олий таълим технологияларининг ривож, масофавий таълим, оммавий онлайн очик курслар ҳақида асосий маълумотларни **билиши**;
- мултимедиа воситаларидан фойдаланиш, мултимедиа сценарийларини ишлаб чиқиш, амалий ва MS Office дастурларидан самарали фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши**;
- autoring tools дастурлари, Flash ва Camtasia Studio каби дастурларда электрон ўқув материалларини яратиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

### Ш. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

- 1-модул. Таълимда ахборот технологиялари
- 1-маву. Олий таълим технологияларининг ривож. Олий таълим бўйича NMC Horizon хисоботлари.
- 2-маву. Масофавий таълим. Масофали ўқишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълим моделлари.
- 3-маву. Оммавий онлайн очик курслар.
- 4-маву. Электрон педагогика асослари. Педагогик дастурий воситалар. Интернет технологиялари.
- 5-маву. Мултимедиа тизимлари. Мултимедиянинг техник ва дастурий воситалари.
- 6-маву. Moodle LMS тизими. Модулли ўқиш тамойиллари. Moodle LMS тамойиллари. Moodle LMS имкониятлари.
- 7-маву. MS Word да ишни автоматлаштириш. Тезкор тугмачалар билан ишлаш. Автомундарижа кўйиш. Хужжатларни мувофиқлаштириш.
- 8-маву. MS Excel да виртуал стендлар яратиш. MS Excel функциялари. Виртуал стенд учун визуал ва эмпирик моделлар яратиш.
- 9-маву. MS Power Point да анимациялар яратиш. MS Power Point нинг анимацион имкониятлари. Кимёвий ва озик-овқат технологияларига оид анимациялар ишлаб чиқиш.

### 2-модул. Электрон ўқув материаллари ишлаб чиқиш

- 10-маву. iSpring дастури. Интерфаол тестлар тузиш.
- 11-маву. Camtasia Studio дастури. Видео маъруза яратиш.
- 12-маву. CourseLab дастури. Электрон ўқув модули яратиш.
- 13-маву. Flash MX дастури. Flash дастурининг график имкониятлари.
- 14-маву. Flash дастурининг анимацион имкониятлари.
- 15-маву. Flash дастурининг дастурлаш имкониятлари.
- 16-маву. Симуляторлар яратиш.

### IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар талабаларда аниқ амалий кўникмаларни шакллантириш, талабаларни ўз билимларини чуқурлаштиришга қизиқтириш, талабаларнинг амалий кўникмаларни мустақил равишда ўзлаштиришларига шароит яратиш, талабаларда касбий фикрлаш ва мулоқот маданиятини тарбиялаш мақсадида ўтказилади.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати:

1. NMC Horizon нинг олий таълим бўйича хисоботларини ўрганиш

2. Масофавий таълим тизимини ўрганиш
  3. Оммавий онлайн очик курсларини ўрганиш
  4. Электрон педагогика асосларини ўрганиш
  5. Moodle LMS тизимини ўрганиш
  6. MS Word, MS Excel, MS PowerPoint дастурларининг анимацион имкониятларини ўрганиш
  7. iSpring Suite дастурларини ўрганиш
  8. iSpring QuizMaker дастурида педагогик тестлар ишлаб чиқиш
  9. CourseLab дастурида электрон ўқув модули яратиш.
  10. Camtasia Studio дастурида видеомаърузалар ишлаб чиқиш
  11. Flash MX дастурида графика ишлаб чиқиш
  12. Flash MX дастурида анимация яратиш
  13. Flash MX да дастурлаш
  14. Flash MX да виртуал стенд яратиш
- Амалий машғулотларда турли вариантлардаги масалалар, "кейс"лар, интерфаол таълим усуллари кенг қўлланилади. Машғулотлар магн, жадал, расм, фото, мултимедиа, видеоасвир, мултимедиа намуналари ва шу каби кўргазмали материаллар асосида олиб борилади.

### V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Талабанинг мустақил таълими шакли ўқитувчи раҳбарлигида ва талабанинг ўзининг қизиқиши бўйича, машғулот турлари бўйича, ўқув ва илмий фаолият турлари бўйича бўлиши мумкин. Талабанинг фан бўйича мустақил иши қуйидаги шаклларда ташкил этилиши мумкин:

- маъруза материалларини чуқур ўрганиш (конспектни тўлиқ юритиш ва уни мутоала қилиш, илмий-техник хужжатларни ўрганиш, интернетдан ахборот излаш, даъжестлар тузиш, рус ва инглиз тилидаги ахборотларни ўрганиш, дарсларга тайёрланиш, тақдимотлар тайёрлаш, оммавий онлайн очик курсларда масофадан ўқиш ва х.к.);

- амалий машғулот топирикларини бажариш, тарқатма материаллар билан ишлаш, кейс-стадиларни ишлаб чиқиш ва уларда иштирок этиш;

- рейтинг назоратларига (1-ОН, ЯН) тайёрланиш, 2-ОН бўйича ҳисоб ишларини бажариш;

- илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш (илмий тажрибалар ўтказиш, мақола чоп этиш, илмий анжуманда маъруза қилиш);

- ўқув изланишларини олиб бориш (фан тўғрақларида, ўқув-услубий материалларни, намуналарни тайёрлашда иштирок этиш).

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятчи масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топширик, кейс-стадиларни ечиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Мустақил иш учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Олий таълим технологияларининг ривожини ўрганиш
2. Масофавий таълим турларини ўрганиш
3. Очқ таълим ресурсларини ўрганиш
4. Оммавий онлайн очқ курсларни ўрганиш
5. Мобил таълимни ўрганиш
6. Булутли таълим технологияларини ўрганиш
7. Блендед леарнингни ўрганиш
8. Мултимедиа воситаларини ўрганиш
9. MS Word да хужжатларни автоматлаштиришни ўрганиш
10. MS Excel нинг дастурлаш имкониятларини ўрганиш
11. MS PowerPoint нинг анимацион имкониятларини ўрганиш
12. Authoring tools дастурларини ўрганиш
13. iSpring иловаларини ўрганиш
14. CMS тизимларини ўрганиш

**Фан бўйича курс иши.** Курс иши талабаларда мултимедиа яратиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида жорий этилган. Бунда талабалар муайян топширик оладилар ва унга мос дастурни танлаб, мултимедиа сценарийсини ва контентларини тайёрлашади ҳамда мултимедиа ишлаб чиқишади.

Талабалар қуйидаги мавзулар бўйича мултимедиа материаллари ишлаб чиқишлари мумкин:

- Camtasia Studio дастурида видео маъруза яратиш;
  - Flash анимация яратиш;
  - iSpring тестлар ишлаб чиқиш.
  - CourseLab дастурида электрон ўқув модули яратиш.
  - Excel дастурида виртуал стенд ишлаб чиқиш;
  - PowerPoint дастурида анимация яратиш.
- Курс иши тушунтириш хати қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:
- Титул варағи ва топширик бланкаси.
  - Кириш.
  - 1. Мултимедиа ишлаб чиқишнинг услубий асослари.
    - 1.1. Мултимедиа дастурининг тавсифи.
    - 1.2. Мултимедиа учун ўқув материали.
    - 1.3. Ўқув мақсадлари.
  - 2. Мултимедиа ишлаб чиқиш.
    - 2.1. Мултимедиа интерфейси.
    - 2.2. Мултимедиа сценарийси.

- Хулоса.

- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

График материал сифатида ишлаб чиқилган мултимедиа махсулотли такдим этилади.

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

### Асосий адабиётлар

1. Holmstrom T., Pitkanen J. E-learning in higher education. Sweden: Umea University. 2012. 76 p.
2. Сергеев А.Г., Немонтов В.А., Баландина В.В. Введение в электронное обучение. РФ: Владимир, 2012. 182 с.
3. Хамидов В.С., Адашбоев Ш.М., Таълимда мултимедиа тизимлари ва масофавий ўқиш методлари. БИИММ. Тошкент-2015 й. 76 б.
4. Хабидуллаев Р.А., Канглиев Ш.Т. Технологик фанлар учун Flash анимация ва симуляторлар ишлаб чиқиш. БИИММ. ТКТИ-2017 й. 89 б.

### Қўшимча адабиётлар

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келагагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Т. "Ўзбекистон", 2017, 488 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон маънафатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т. "Ўзбекистон", 2017, 48 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
8. Красильникова В.А. Информационные и коммуникационные технологии в образовании. М.: "Дом педагогики", 2006. – 232 с.
9. Vere E. and etc. Using Flash. San Francisco: - Macromedia, Inc. 2002, p. 438.
10. Корсаро С. Мультипликация и Flash. – Пер. с англ. – СПб Символ-Плюс. 2008. 240 с.
11. Федоров А. Медиаобразование: История, теория и методика. – Ростов-на-Дону. Монография.: Изд-во ЦВВР, 2001 – 708 с.
12. Kallen S.A. Animation. USA.: Reference Point Press. 2015, – 80 p.
13. Bailey J. and etc. Blended learning implementation guide. 2013. – 43 p.